

## ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК КУН ТАРТИБИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

16 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари ўзаро савдони кўпайтириш, етакчи корхоналарнинг саноят кооперациясини чуқурлаштириш, қўшма Лойиҳалар офиси доирасида устувор тармоқлардаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш

масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу маънода, "Иннопром. Марказий Осиё" халқаро кўргазмаси ва Ўзбекистон — Россия ҳудудлар форумини ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Икки давлат етакчилари маданий-гуманитар алмашинувларни фаоллаштириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашиб, бўлажак тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

ЎЗА

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИГА ҲАМДАРДЛИК БИЛДИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 февраль куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Тожикистон етакчисига мамлакатнинг жануби-шарқида қор кўчиши оқибатида инсонлар қурбон бўлгани ва жиддий талафотлар кўрилгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

Икки томонлама ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражада, энг аввало, савдо, саноят кооперацияси, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт ва бошқа

йўналишларда эришилган келишувларни амалга ошириш чоралари муҳокама қилинди.

Фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларига қарши курашиш борасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Бўлажак тадбирлар, шу жумладан, кўп томонлама ташкилотлар доирасидаги мулоқотлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗА

## ЯЙЛОВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев яйловларни муҳофаза қилиш ва улардан самарали фойдаланишга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.

Бу ҳақда шу йил 23 январь куни қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўтказилган йўналишда кўрсатма берилган эди.

Юртимизда 21 миллион гектардан зиёд яйловлар мавжуд бўлиб, улар чорвачилик, ипакчилик, асарчилик каби кўплаб тармоқлар учун муҳим манба. Лекин улардан фойдаланишга оид ҳозирги тартиб яйловларда тадбиркорликни ривожлантириш ва маҳсулот етиштиришни чекламоқда.

Шу боис, янги таҳрирда "Яйловлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ҳамда яйлов майдонларини ижарага бериш тартибини ишлаб чиқиш таклиф қилинди.

Бу кўплаб иқтисодий лойиҳаларга йўл очади. Хусусан, Испания ва Португалиянинг етакчи компаниялари иштирокида халқаро молия институтларидан жалб қилинган 7 миллион 800 минг доллар миқдорига грант маблағлари эвазига 4 та лойиҳа шакллантирилган. Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларида омихта ем ишлаб чиқарувчи корхоналар, Чорва хайвонлари генетик тадқиқоти лабораторияси ташкил этиш,

майда шохли молларни рақамли идентификация қилиш шулар жумласидандир. Шунингдек, халқаро молия институтларининг грантлари ҳисобидан 500 гектар яйловда қўшдан муқобил энергия олиш орқали қудуқлардан сув чиқариш ҳамда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш режалаштирилган.

Маълумки, яйлов ерларда каврак яхши ўсади, у Қизил китобга ҳам киритилган. Лекин кўп жойларда унинг табиий кўпайиши ва қайта тикланишига зарар етказилмоқда. 2019 йилда табиий каврак майдонлари 33 минг гектар бўлган бўлса, 2021 йилга келиб қарийб ярмига камайган.

Шу боис, кавракнинг ҳар бир туғига етказилган зарар учун жарима миқдорини ошириш, Қизил китобга киритилган тожик каврагидан фойдаланишга 3 йил муддатга мораторий жорий қилиш таклиф этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари бу режаларни маъқуллаб, ижросини самарали ташкил этиш бўйича қўшимча кўрсатмалар берди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### 2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ижтимоий ва уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳамда иқтисодиёт тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, энергия самарадорлигини ошириш орқали республика ҳудудларида энергия таъчиллиги қопланишини таъминлаш, бу борадаги ишларни комплекс ташкил этиш ҳамда инвесторлар учун қулай шароитлар ва

рағбатлантириш механизмларини жорий қилиш мақсадида:

1. Энергетика вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар, саноят ва савдо вазирлигининг 2023 йил учун қуйидагиларни назарда tutuvchi таклифлари қўллаб-қувватлансин:

умумий қуввати 4 300 МВт. бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари-

ни, шу жумладан, 2 100 МВт. — йirik қуёш ва шамол электр станциялари, 1 200 МВт. — ижтимоий соҳа объектлари, хўжалик субъектларининг бино ва иншоотлари ҳамда хонадонларда ўрнатилган қуёш панеллари, 550 МВт. — тадбиркорлар томонидан барпо этиладиган кичик фотоэлектр станцияларини ишга тушириш;

қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш, истеъмолчиларни муқобил энергияга ўтказиш ва энергия тежамкор технологияларни жорий қилиш орқали 2023 йилда қўшимча 5 миллиард киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқариш ва 4,8 миллиард метр куб табиий газни иқтисод қилиш;

▶ Давоми 2-бетда

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2022 йил 20 июнда конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда Конституциямизда "Ўзбекистон — ижтимоий давлат" деган тамойилни мустаҳкамлаш гоёсини илгарти сурган эди. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида бу гоё янада мустаҳкамланиб, ижтимоий давлатни барпо этишнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбари бу хусусда тўхталиб, "Биз Янги Ўзбекистонни "ижтимоий давлат" тамойили асосида қуришни мақсад қиляпмиз. Буни Конституцияда мустаҳкамлашимиз керак", дея таъкидлади.



## ЎЗБЕКИСТОН — ИЖТИМОЙ ДАВЛАТ

"Ижтимоий давлат" тушунчаси "Инсон қадири" тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу гоёнинг туб негизиди, аввало, инсон қадрини улуглаш, аҳолига хизмат қилишдек олижаноб мақсад муҳассам. Ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитини

яратиб беради. У ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир.

Шунингдек, ижтимоий давлат муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб

қўйилишини назарда тутди. Шахс ва унинг oilаси муносиб ҳаёт кечирishi учун етадиган иш ҳақи, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришни талаб қилади.

▶ Давоми 3-бетда

## ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

### ИСЛОҲОТЛАР ҚОҒОЗДА ЭМАС, АМАЛДА БЎЙ КЎРСАТМОҚДА

Иссиқ жоннинг иситмаси бор деганларидек, бетоб бўлиб қолсак, аввало, тез тиббий ёрдам ходимларини чақирамиз. Авваллари уларнинг келишини кутиб, сабрсизлик билан қайта-қайта қўнғирок қилардик. Баъзан бунинг ортидан тушунмовчиликлар келиб чиқарди. Ҳаминқадар шароит, эски машинада амаллаб йўлга чиққан шифокорлар қанчалик ҳаракат қилса-да, имкониятлар қисқалиги боис, чақирув жойига кечикиб борар ёки йўлда қолиб кетарди.

▶ Давоми 5-бетда



## ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ

### ЎЗБЕКНИНГ ДУНЁГА ИНТИЛАЁТГАН ФАРЗАНДЛАРИ

Мамлакатимизда ҳар жабҳада олға бораётган, талай ютуқларга эришяётган кўплаб илғор ёшлар кашф этилмоқда. Бинобарин, йил номланишининг ўзиёқ бу жараённинг янада жадаллашиши, фарзандларимиз ҳаётининг тубдан ўзгаришига замин яратаётганидан дарак бермоқда.

▶ Давоми 5-бетда

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

### АСЛ, ШАФФОФ, "ҚОРА БОЗОР"ГА ҚАРШИ ТИЗИМ



Рақамли маркировка — маҳсулотларни ишлаб чиқариш, импорт қилиш ва айланмасини назорат қилиш тизими. Бу тизим халқаро амалиётда "Track & Trace" деб номланади. Унга доир белгиларнинг қўлланилиши маҳсулот ҳақидаги барча маълумотларни олиш имкониятини беради.

Яъни ишлаб чиқарувчининг номи, тайёрланган товар ёки сотиладиган жой, сана ва вақт, яроқлилик муддати, стандарт рақами каби маълумотлар махсус код остига жойлаштирилади. Уларнинг барчаси миллий ахборот тизимида сақланади.

"Янги Ўзбекистон" газетасида мамлакатимизда рақамли маркировка тизимини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар ва уларнинг аҳамияти ҳақида туркум мақолалар чоп этиб келиняпти. Айни шарҳ унинг узвий давоми ҳисобланади.

▶ Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Бошланғичи 1-бетда

Ушбу мақсадларга жами 15,4 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi маблағларни йўналтириш, шу жумладан, 13,4 миллиард АҚШ доллари — давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида инвесторлар маблағлари, 1,1 миллиард АҚШ доллари — тижорат банклари кредитлари, 610 миллион АҚШ доллари — корхоналарнинг ўз маблағлари, 150 миллион АҚШ доллари — хорижий молиявий ташкилотлар маблағлари ва 100 миллион АҚШ доллари эквивалентидаги Давлат бюджети маблағлари.

2. Давлат-хусусий шериклик асосида 2023 йилда 27 та йирик қувватли қуёш ва шамоп электр станцияларини қуриш лойиҳаларининг манзилли рўйхати 1-иловага ҳамда йирик қувватли қуёш ва шамоп электр станцияларини электр узатиш тармоқларига улаш бўйича лойиҳаларнинг манзилли рўйхати 1а-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур лойиҳаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик энергетика вазири Ж.Т.Мирзамаҳмудов, инвестициялар, саноат ва савдо вазири Л.Ш.Қудратов ҳамда Стратегик ислохотлар агентлиги бош директори Ш.А.Вафаев зиммасига юклатилсин.

3. Стратегик ислохотлар агентлиги (Ш.Вафаев) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л.Қудратов) билан биргаликда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ва электр энергияси тармоқларини модернизация қилиш бўйича лойиҳалар учун 2023 йил 1 июлга қадар халқаро молиявий ташкилотлардан қўшимча 2 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi маблағларни жалб қилиш бўйича келишувлар имзоланишини таъминласин.

4. Энергетика вазирлигига 2023 йил 1 сентябрга қадар йирик қувватли қуёш ва шамоп электр станцияларини қуриш бўйича лойиҳалар доирасида бюджетдан ташқари Тармоқларо энергияни тежаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан халқаро ва маҳаллий лойиҳақидирув институтлари билан тўридан-тўри шартномалар тузган ҳолда қурилиш майдонларида ўрганишлар ўтказишга рухсат берилсин.

5. 2023 йилда 20 мингта ижтимоий соҳа объекти ва давлат идораларида кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур режанинг бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик энергетика вазири Ж.Т.Мирзамаҳмудов ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари зиммасига юклатилсин.

6. Энергетика вазирлиги ҳамда тижорат банкларининг ижтимоий соҳа объекти, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг бино ва иншоотларида кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш ва эксплуатация қилиш бўйича масъулиятни чекланган жамият шаклидаги “Яшил энергия” компаниясини (кейинги ўринларда — Компания) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки: Компания ўз ҳисобидан давлат органлари ва ташкилотлари бино-иншоотларида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатганда, ушбу бино-иншоотларнинг тегишли қисмларидан ижара ҳуқуқи асосида бепул фойдаланади. Бунда, ижара шартномалари белгиланган тартибда солиқ органларида рўйхатдан ўтказилади;

Компанияга маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилардан қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ва уларнинг эҳтиёт қисмларини харид қилиш, ўрнатиш ва уларга сервис хизматларини кўрсатиш учун энг яхши таклифларни танлаб олиш натижаларига кўра тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилади.

7. Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов) уч кун муддатда мазкур қарорга 2-иловага режа бажарилишининг ойма-ой графигини тасдиқласин ва унинг ижроси юзасидан ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борсин.

Вазирликлар, давлат идоралари ва ташкилотларининг биринчи раҳбарлари ўзларининг тузилмаларидаги идора ва ташкилотларнинг биналарида қуёш панеллари ўрнатилишига шахсан жавоб бериши тўғрисида қатъий огоҳлантирилсин.

8. Савдо-саноат палатаси ва тижорат банкларининг 3-иловага мувофиқ 2023 йилда жами 11 минг нафар тадбиркорнинг бино ва иншоотларида қуёш панеллари ўрнатиш ҳамда кичик фотозлектр станцияларини барпо этиш режаси қўллаб-қувватлансин.

Мазкур режалар тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик Марказий банк раисининг ўринбосари А.А.Турдалиев ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг инвестициялар масалалари бўйича ўринбосарлари зиммасига юклатилсин.

9. Белгилансинки:

2023 йил 1 апрелдан бошлаб умумий қуввати 100 кВт.гача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахслар ушбу қурилмалар бўйича мол-мулк солиғи, қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солиғи ҳамда юридик шахслар томонидан умумий тармоққа сотган электр энергияси учун олган фойдасидан ҳисобланадиган фойда солиғини тўлашдан улар фойдаланишига топширилган пайтдан эътиборан уч йил муддатга, ўрнатилаётган қуёш панелларининг қувватига нисбатан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини сақлаш тизими билан ўрнатиш бўлса — ўн йил муддатга озод этилади;

2023 йил 1 мартдан бошлаб ягона электр энергетика тизимига улашни учун берилган техник шартларда кўрсатилган қувватдан юқори бўлмаган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини электр тармоқларига улашда қўшимча техник шарт олиш талаб этилмайди.

10. Белгилансинки, тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, хорижий инвесторларга:

қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган электр энергиясини давлат органига ва (ёки) ҳудудий электр тармоқларига ўрнатишга тарифларда, бошқа истеъмолчиларга ўзаро келишилган нархларда тўғридан-тўғри тузилган, шу жумладан, узоқ муддатли шартномалар асосида сотишга; бошқа шахсларга тегишли объектларда ижара ҳуқуқи асосида қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиб, ушбу қурилмаларда ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотишга рухсат берилади.

11. Шундай тартиб ўрнатишсинки: қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган тадбиркорлик субъектлари томонидан ой давомида ягона электр энергетика тизимига узатиш ва истеъмол қилинган электр энергияси ҳажмининг ҳисоби “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ биллинг тизимида юритилиб, ой якуни билан тармоққа узатилган ва истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми ўртасидаги тафовутга асосан ўзаро ҳисоб-китоб қилинади. Бунда, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан электр энергиясини сақлаб бериш хизмати учун ҳақ олинмайди;

қуввати 300 кВт. ва ундан юқори бўлган қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган электр энергияси ушбу манбалар Энергетика вазирлигиди рўйхатдан ўтказилганда кейингина амалга оширилади.

12. Марказий банк ва тижорат банкларининг тадбиркорлик субъектларининг қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини сотиб олиш ва ўрнатиш, энергия тежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларининг энергия

самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини молиялаштириш учун 2023 йил 1 мартдан бошлаб “Яшил энергия” банк молия продуктини амалга киритиш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин.

13. Энергетика вазирлиги икки ҳафта муддатда: фотозлектр станцияларини, шу жумладан, кичик қувватли қурилмаларни ўрнатиш учун қулай бўлган истиқболли майдонлар рўйхатини эълон қилсин;

Савдо-саноат палатаси билан биргаликда қизиқиш билдирган тадбиркорларга электр энергиясини сотиш бўйича намунавий шартнома ва техник талаблар етказилишини таъминласин.

14. Ташқи ишлар вазирлиги (Б.Саидов, Ф.Арзиев) Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги (Л.Қудратов) ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда бир ой муддатда Хитой компанияларини жалб қилган ҳолда республика ҳудудларида қуёш панеллари етказиб бериш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи қўшма корхоналар ташкил этиш бўйича аниқ лойиҳалар рўйхатини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

15. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб республика ҳудудларида аҳоли хонадонларида кичик қувватли (умумий қуввати 50 кВт.гача) қуёш панелларини ўрнатиш рағбатлантириш бўйича “Қуёшли хонадон” дастури (кейинги ўринларда — Дастур) амалга оширилсин.

2023 йилда 37 минг аҳоли хонадонларида кичик қувватли қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиш режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Дастур доирасида: а) жисмоний шахсларга тегишли объектларда ўрнатишга қуёш панелларида ишлаб чиқарилган ва ўз истеъмолидан орттириб ягона электр энергетика тизимига узатишга электр энергиясининг ҳар бир киловатт-соатига Давлат бюджетидан 1000 сўмдан субсидия ажратилади (кейинги ўринларда — субсидия).

Бунда: субсидия ҳар ой якуни билан жисмоний шахслар томонидан ягона электр энергетика тизимига узатишга энергия ҳажми ва тизимдан истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми ўртасидаги ижобий тафовут миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланади; субсидия тўловлари жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркибига киритилмайди;

субсидия солиқ органлари томонидан ҳар ойда “Soliq” мобил иловаси орқали ҳисобот оидан кейинги ойнинг 25-санасига қадар фуқароларнинг банк пластик карталарига ўтказиб берилади;

б) жисмоний шахслар томонидан ягона электр энергетика тизимига узатишга электр энергияси ҳажми:

ой давомида ягона электр энергетика тизимидан истеъмол қилинган электр энергияси ҳажмидан кўп бўлган тақдирда, шу ой учун электр энергияси бўйича “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖга тўлов қилинмайди;

ой давомида ягона электр энергетика тизимидан истеъмол қилинган электр энергияси ҳажмидан кам бўлган тақдирда, шу ой учун электр энергияси бўйича тўловлар истеъмол қилинган ва узатишга электр энергияси фарқидан келиб чиқиб ҳисобланади;

в) “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан текинга олинган электр энергияси даромад сифатида ҳисобга олинмайди.

16. Белгилансинки: Дастур доирасида субсидияларни ажратиш ва ҳисоб-китоб қилиш тизимини тўлақонли ишлаши Марказий банк (М.Нурмуратов), Солиқ қўмитаси ва “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ (У.Мустафоев) томонидан таъминланади;

Дастурни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси республика бюджет таромадлари бўйича прогнознинг ошириб бажарилган қисми ҳамда 2023 йил I чорақ якунлари бўйича Давлат бюджети харажатларини мақбуллаштириш ҳисобидан молиялаштирилади;

Дастурнинг бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари зиммасига юклатилади;

Дастурнинг узлуксиз ва шаффоф ишлашини назорат қилиш Бош прокурор ўринбосари Ш.Аминов зиммасига юклатилади.

17. 2023 йилда фойдаланишига топширилмаган 765 та кўп қаватли уйларни қайта тикланувчи энергия манбалари билан таъминлаш режаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ушбу режанинг бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б.И.Зокиров ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари зиммасига юклатилсин.

18. 2023 йил 1 майдан бошлаб фойдаланишига топширилмаган кўп қаватли уйлар томлари бўш қисмининг каммида 50 фоизда қуёш панелларини ўрнатиш талаби жорий қилинсин.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги (Б.Зокиров):

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда бир ҳафта муддатда тадбиркорлик субъектларини жалб қилган ҳолда кўп қаватли уйларда қуёш панелларини ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш компаниялари ташкил қилинишини таъминласин;

Энергетика вазирлиги (Ж.Мирзамаҳмудов) ва Божхона қўмитаси (А.Мавлонов) билан биргаликда бир ой муддатда республика ҳудудларида қуёш панелларини ўрнатиш ва уларга хизмат кўрсатиш компаниялари мутахассисларида зарур қўникмаларни шакллантирган ва техник маълумотлар етказган ҳолда уларнинг малакасини оширсин.

19. Божхона қўмитаси (А.Мавлонов):

а) Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда қайта тикланувчи энергия манбалари асосида энергия таъминоти ташкил этиш учун асбоб-ускуналар, техника, хомашё, бутловчи ва уларнинг эҳтиёт қисмлари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларини қабул қилиш; белгиланган стандарт талабларига мос келмайдиган қуёш панеллари республика ҳудудига олиб кирилишининг олдинчи олиш бўйича самарали чоралар кўрсин;

б) фойдаланишига топширилмаган кўп қаватли уйларда қуёш панелларининг сифатли ўрнатилишини доимий назоратга олинсин;

в) бир ҳафта муддатда қуёш панелларини импорт қилишни содда-лаштириш бўйича чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин;

г) мазкур қарорнинг 18-бандида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

д) амалга оширилаётган ишлар бўйича ҳамда фойдаланишига топширилмаган кўп қаватли уйларда қуёш панелларини ўрнатиш ишларини жадаллаштириш юзасидан ҳар чорақда Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳисобот киритиб борсин.

20. Республика ҳудудларида кичик ва микро гидроэлектрстанциялар барпо этиш бўйича 103 та лойиҳанинг манзилли рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур лойиҳаларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмида ишга туширишни таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик “Ўзбекгидроэнерго” АЖ бошқарув раиси А.А.Сангинов ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

21. 2023 йилда 5407 та ижтимоий соҳа объекти ва давлат идораларида кичик қувватли қуёш ва шамоп электр станцияларини қуриш режаси 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Мазкур режа ижросини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик Бош вазир ўринбосари А.Ж.Раматов, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Б.И.Закиров ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамаси (А.Раматов) уч кун муддатда мазкур қарорга 7-иловадаги режа кўрсаткичлари бажарилишининг ойма-ой графигини тасдиқласин ва ижроси юзасидан ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш.Қудбийев) икки ҳафта муддатда ижтимоий соҳа объектиларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

22. 2023 йилда 1147 та иссиқхоналар ва 250 та қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўмир ёқилгисига ўтказиш режа кўрсаткичлари ва манзилли рўйхатлари мос равишда 8-, 8а-, 8б-, 8в-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, республика ҳудудларидаги:

иссиқхоналарни кўмир ёқилгисига ўтказиш бўйича шахсий жавобгарлик қишлоқ хўжалиги вазири А.Б.Воитов ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари зиммасига юклатилади;

мазкур қарорга 8а-, 8б- ва 8в-иловаларга мувофиқ қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўмир ёқилгисига ўтказиш бўйича шахсий жавобгарлик қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг ўринбосари Ш.С.Хидоятлов, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ бошқарув раиси С.С.Аннакличев ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари зиммасига юклатилади.

23. Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (Ж.Ходжаев):

тижорат банклари билан биргаликда кўмир ёқилгисига ўтказиладиган корхоналарга ускуналарни харид қилиш учун кредит маблағлари ўз вақтида ажратилишини таъминласин;

кўмир ёқилгисига ўтказилган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилишда кафолатланган рағбатлантириш чораларини қўриб борсин;

кўмир ёқилгисига ўтказилган корхоналарда импорт кўмир маҳсулотлари ҳамда тегишли ускуналарни олиб келишда юзага келадиган муаммолари масалаларни зудлик билан ҳал қилиб борсин;

маҳаллий иссиқхона хўжаликлариди етиштирилган маҳсулотларнинг асосий экспорт борзорларида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида уларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга оширсин.

24. Энергетика вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг “Ўзбекқўмир” АЖга қарашли “Кўмир таъминот” МЧЖни тасарруфидидаги кўмир омборлари ва ёрдамчи техникалар билан бирга “Ўзбекқўмир” АЖ тасарруфидан чиқариб, Энергетика вазирлиги бўйсунувида ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Энергетика вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарорга 8-, 8а-, 8б- ва 8в-иловаларда белгиланган тадбиркорлик субъектлари учун зарур миқдорда импорт кўмир етказиб берилишини таъминласин.

Транспорт вазирлиги (И.Маҳкамов) 2023 йил 1 апрелдан бошлаб импорт кўмири республика ҳудудида темир йўл транспортда ташишда ташиш масофасидан қатъи назар, ўрнатилган тарифларга 50 фоиз чегирма қўлланилишини таъминласин.

25. Белгилансинки, 2023 йил 1 майдан бошлаб:

янги ташкил этиладиган иссиқхона хўжаликлари ҳамда цемент, ғишт ва оҳақ маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларга табиий газ тармоқларига улашни учун техник шартлар берилиши тақиқланади;

республикадаги барча ёқилғи (автобензин, сувоқтирилган ва сиқилган газ) қуйиш шохобчаларининг маший-техник эҳтиёжлари ва ҳудудини ёритиш учун электр энергияси таъминотининг камида 50 фоизи ушбу объектларда ўрнатиладиган қуёш панеллари орқали қопланиши талаб этилади.

26. Куйидагилар:

2023 йилда республика ҳудудларида электр тармоқларидаги йўқотишларни камайтириш бўйича режа кўрсаткичлари 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда ушбу кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик Бош прокурор Н.Т.Йўлдошев, энергетика вазири Ж.Т.Мирзамаҳмудов ҳамда “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқарув раиси У.М.Мустафоев зиммасига юклатилсин;

2023 йилда республикадаги йирик саноат корхоналарида ёқилғи-энергия ресурсларини тежашнинг режа кўрсаткичлари ва амалий чора-тадбирлар режаси 10- ва 10а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин ҳамда ушбу кўрсаткичлар бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик Бош вазир ўринбосари Ж.А.Ходжаев, энергетика вазири Ж.Т.Мирзамаҳмудов ҳамда “Худудий электр тармоқлари” АЖ бошқарув раиси У.М.Мустафоев зиммасига юклатилсин.

27. Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов) икки ҳафта муддатда 11-иловага мувофиқ 2023 йилда давлат-хусусий шериклик асосида кўмир когенерация технологияларини жорий этиш орқали марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминлаш бўйича 15 та лойиҳанинг манзилли рўйхати, уларни молиялаштириш манбалари ва амалга ошириш муддатларининг ойма-ой графигларини тасдиқласин.

28. Энергетика вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ушбу қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда амалдаги қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар ҳамда зарур низоом, тартиб ва қоидалар лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

29. Вазирлар Маҳкамаси (А.Арипов): мазкур қарорга иловаларда белгиланган режа кўрсаткичларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш мақсадида бир ҳафта муддатда барча иловалар бўйича тармоқ жадаллари ва манзилли чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин;

белгиланган режа кўрсаткичлари ижроси юзасидан доимий назорат ўрнатиб, ҳар ой ижроси юзасидан барча ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини Вазирлар Маҳкамаси Раёсат мажлисларида танқидий қўриб борсин;

ушбу қарор ижроси доирасида заруриятдан келиб чиқиб, лойиҳалар параметрлари, чора-тадбирлар ва режа кўрсаткичларига Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда аниқлаштириш ва ўзгартиришлар киритиб борсин.

30. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz\_official

yuz.uznews

66

МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАР “ИНСОН ҚАДРИ УЧУН” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА АҲОЛИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАШ, УЛАРНИНГ ФАРОВОН ҲАЁТ КЕЧИРИШИ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТ ҲАМДА ҚУЛАЙЛИКЛАРНИ ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАН. БУ ЙИЛГИ ДАВЛАТ ДАСТУРИДА НАЗАРДА ТУТИЛГАН ҲАР БИР БАНД ВА УНИ МАҚСАДЛИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ҲАМ ФИКРИМИЗНИНГ ЯҚҚОЛ ДАЛИЛИДИР.

Шаҳноза ЖОЛДАСОВА, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори



Бошланиши 1-бетда

Мамлакатимизда кейинги йилларда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, бандлигини таъминлаш, кафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар яратиш, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар замирида ҳам ана шундай эзгу мақсад муважжасам.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

— аҳоли бандлиги ва даромадлари доимий ўсишини таъминлаш; — жамиятнинг барча аъзоларини ижтимоий суғурта билан таъминлаш; — таълим, соғлиқни сақлаш ва маънавий-маданий ривожланишнинг қулайлигини таъминлаш; — эҳтиёжманд шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш; — жамиятдаги ижтимоий ва иқтисодий тенгсизликни камайтириш, имтиёзларни қайта тақсимлаш орқали муносиб турмуш шароитларини яратиш; — ижтимоий хизматлар кўрсатиш. Умуман олганда, ижтимоий давлатда меҳнатга лаёқатли ҳар бир инсоннинг бандлиги таъминланади. Унинг муносиб ҳаёт кечириши учун етарли миқдордаги иш ҳақи белгиланади, ишчи учун хавфсиз меҳнат шароитлари яратилади, ишсизликдан ҳимояланиш, сифатли таълим, малакали тиббий хизмат олиш ҳуқуқлари реал амалга оширилади. Болалар, аёллар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, мигрантлар ва уларнинг оила аъзолари ҳар томонлама қўллаб-қувватланади.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар

Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларга эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг аксарияти ижтимоий соҳага йўналтирилганини кўришимиз мумкин. Хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож ҳамда эҳтиёжманд

ёшларга, эҳтиёжманд оилаларга субсидиялар ажратиш тизими йўлга қўйилди. Мазкур тизим қонуний, адолатли ва шаффоф ишлаши учун онлайн платформалар ишга тушди. Айниқса, ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни иш билан таъминлаш ва бўш вақтини маъмул ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН — ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни лойиҳасида ҳам аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор нормалар ўз ифодасини топган. Хусусан, амалдаги Конституциямизнинг 37-моддасига қўшимчалар киритилиб, “Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб бериладиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситилишларсиз ва белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек, ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга”лиги белгиленмоқда.

Ижтимоий давлат моҳияти қандай?

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, “ижтимоий давлат” тушунчаси илк бор 1850 йилда Лоренс фон Штейн томонидан қўлланилган. У давлатнинг вазифаси ижтимоий тенглик ва шахсий эркинликни ўрнатиш, қўйи ва кам таъминланган табақаларни бойлар ва қудратлилар даражасига қутаришдан иборат, деб ҳисоблаган.

Миллий давлатчилигимиз тарихини ўрганганимизда ҳам “ижтимоий давлат” тушунчаси шунга ўхшаш номларда қўллаб-қўлланган. Масалан, IX-X асрларда яшаб иқдор қилган Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарига фозил шаҳар ҳақида билдирилган фикрлар айнан “ижтимоий давлат” тамойилининг мазмун-моҳияти ҳисобланади. Шунга ўхшаш фикрларни Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш каби буюк аждодларимиз асарларида ҳам учратиш мумкин.

Президентимиз ушбу тушунчани изоҳлар экан, “Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демокдир”, дея таъриф берган эди. Назаримизда, буюк болаларимиз оруз қилган ва ўз асарларида келтирган “фозил шаҳар” ҳам айнан шу “ижтимоий давлат”дир.

Ижтимоий давлат хусусиятлари, функциялари ва халқаро тажриба

Глобаллашув жараёни ва бозор иқтисодиёти шиддат билан ривожланиётган даврда олимлар ижтимоий давлатнинг ўзига хос белгилари мавжуд эканини таъкидлайди ва Лоренс фон Штейндан фарқли равишда ушбу жиҳатларга қўйидагиларни киритади: — аҳолининг даромадлари ва бойликларини йирик мулкдорларга дахл қилмасдан қайта тақсимлаш имконини берувчи мамлакат иқтисодий ривожланишининг юқори даражаси; — ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти; — кўп тармоқли ва аралаш иқтисодиёт; — фуқаролик жамиятини шакллантириш; — давлат томонидан турли ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш; — давлатнинг ҳар бир инсон учун муносиб турмуш шароити, ижтимоий таъминот ва шахс сифатида ўзини ўзи

англаш йўлида тенг бошланғич шароитларни таъминлаш мақсадларини тасдиқлаш; — фуқаролар олдидagi ижтимоий жавобгарлик; — суғурта ижтимоий тўловларининг ривожланган тизими ва бюджетни ташкил этувчи солиқларнинг юқори даражаси, ижтимоий соҳага тўловларнинг юқори миқдори; — аҳолининг барча гуруҳлари учун хизмат кўрсатиш ва ижтимоий хизматларнинг ривожланган тизими; — бюджет ижтимоий тўловларининг мавжудлиги; — ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот ва бандлик давлат тизимларининг мавжудлиги; — жамиятнинг барча муҳтож аъзоларини истисносиз ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими мавжудлиги; — фуқароларнинг фаровонлик даражаси учун жавобгарлиқни давлат ўз зиммасига олиши.



Ҳозирги замон тажрибасига кўра, Европа мамлакатларида ижтимоий давлат ғояси турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган. Хусусан, Германияда унинг ижтимоий давлат экани Конституция даражасида белгиланган. Шунингдек, ижтимоий давлатнинг Скандинавия ва континентал моделлари ҳам мавжуд бўлиб, бунда давлатлар ўз фуқароларининг ижтимоий фаровонлиги, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига, болалар ва ёшларга, кексаларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш учун масъул бўлади.

Ижтимоий давлат тор маънода ўз фаолиятида аҳолига нафақалар тўлашни, жамиятга хизмат кўрсатишни амалга оширади ва уй-жой билан таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилади. Кенг маънода нафақат аҳолини бевосита қўллаб-қувватлашга қаратилган сезиларли даражада кўп сонли дастурларни, балки иқтисодиётни бошқариш ва ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни, шу жумладан, бандлик ва у билан боғлиқ масалаларни ҳамда комплекс макроиқтисодий бошқарувни амалга оширади. Ижтимоий давлатнинг ўзига хос функциялари мавжуд бўлиб, олимларнинг аксарияти уларнинг асосийлари сифатида қўйидагиларни кўрсатади: — аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш; — коррупция, қашшоқлик ва ишсизликка қарши кураш; — ёш тадбиркорларга ёрдам;

қатламларини қўллаб-қувватлаш ва уларга давлат томонидан кафолатлар тизими орқали ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилган. Одамларнинг фаровон ва ҳаётдан рози бўлиб турмуш кечириши учун муносиб шароит яратиш, бандликни таъминлаш ва даромадини ошириш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, турмуш шароити ва сифати жиҳатдан табақаланишга йўл қўймаслик каби масалаларга давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ишсизликдан ҳимояланиш, кафолатланган сифатли таълим бериш, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бўлган шахсларни, мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг доимий диққат марказида. Давлат бюджетининг асосий қисми айнан шу каби масалаларга йўналтирилаётгани ҳам фикримизнинг амалий тасдиғидир. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ижтимоий ёрдамга



муҳтож бўлган оилалар, аёллар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш учун республика миқёсида жорий этилган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” ва “Маҳаллабай” ишлаш тизими ҳам ижтимоий давлатнинг моҳиятини ва ҳаётий кўринишини намоён этмоқда.

Шу ўринда мамлакатимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг ижобий натижалари ҳам диққатга сазовор. Чунки, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси 27 фоиздан 70 фоизга ошиб, 2 миллионга яқин боланинг боғча билан қамраб олингани халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда. Олий таълим муассасалари 2,5 баробарга ошиши, яъни уларнинг сони 198 тага етиши, ўз навбатида, олий таълимга қамров даражаси 9 фоиздан 38 фоизга орттиришга эришилди. Шу қаторда, 40 дан зиёд олийоқра академик ва молиявий мустақиллик берилиши улардаги таълим шароити ва сифати сезиларли даражада юксалганини ҳисса қўшганини қайд этиб ўтиш ҳам адолатдан бўлади.

Шунингдек, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини уй-жой билан таъминлаш ижтимоий давлатнинг муҳим вазифаларидан биридир. Таъкидлаш ўринлики, сўнги олти йилда мамлакатимизда 500 мингга яқин янги уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уй-жойга бўлган эҳтиёжни қондириш бўйича биринчи марта аёллар ва

Ёшлар бандлигини таъминлашда илгор замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда, йигит-қизларимиздан 5,2 минги “Future Skills Uzbekistan” ва “Бир миллион дастурчи” лойиҳалари доирасида IT касбларига, 6,4 минги “Ёшлар 1+1” ва “Тадбиркор аёл” лойиҳалари доирасида тадбиркорлик кўникмалари ва хорижий тиллар бўйича ўқитилди. Ёшлар ва хотин-қизларда замонавий касб, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида “Ишга марҳамат”, банд бўлмаган аҳолига хизмат кўрсатувчи “Мономарказ”, туман ва шаҳар касб-хунарга ўқитиш марказлари, маҳаллаларда касб-хунарга ўқитиш масканлари фаолият юритмоқда.

Ўқорида келтирилган кенг кўламли ислохотларни янада мустаҳкамлаш ва бардавом бўлишини таъминлаш зарурати “ижтимоий давлат” тамойилини Конституцияда акс эттиришни тақозо этмоқда. Шу сабабдан ҳам умумхалқ муҳокамасидаги аксарият тақлиф ва мулоҳазалар айнан ижтимоий соҳага йўналтирилган эди. Конституциявий қонун лойиҳасига киритилган ўзгаришлар ва қўшимчалар ҳам, асосан, “ижтимоий давлат” тамойилини мустаҳкамлашга қаратилган. Шу ўринда, Асосий қонунимизда мамлакатимизнинг ижтимоий давлат эканини мустаҳкамлаб қўйиш Янги Ўзбекистоннинг мазмун-моҳиятига ҳам шаклан, ҳам маънан мос бўлади, десак адашмаган бўламиз.

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ижтимоий давлат масалалари

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Мисол учун, унинг “Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш” номли тўртинчи устувор йўналишида ижтимоий давлат негизини ташкил этувчи масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, 43-мақсад бевосита ҳар бир инсон учун муносиб шароит



яратиш ва турмуш даражасини мунтазам яхшилаб боришга йўналтирилган. Эътироф этиш керак, Тараққиёт стратегиясининг мақсадларига эришишда Президентимиз асосий эътиборни биринчи галда Янги Ўзбекистон учун энг катта инвестиция ҳисобланган таълимни ривожлантиришга қаратиш кераклигини таъкидлади. Жумладан,

жорий йилда 70 та янги мактаб қурилиши, 460 мактаб кенгайтирилиши, хусусий инвестициялар иштирокида 100 та мактаб қуриш лойиҳаси бошланиши, келгуси беш йилда уларнинг сонини мингтага етказиш белгилаб олингани ҳам бежиз эмас.

Эндиликда мамлакатимизда нафақат мактаб қурилиши ва сифатли таълимга, шу билан бирга, сифатли таълим негизини яратувчи “соғлом турмуш тарзи ҳамда соғлом ва сифатли овқат билан таъминлаш”га ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур тажриба 2022 йилдан бошлаб Қорақалпоғистон ва Хоразмда йўлга қўйилиб, 285 минг бошланғич синф ўқувчиси учун бепул овқатланиш йўлга қўйилган эди. Жорий йилдан эса ушбу амалиёт қолган вилоятлар ва Тошкент шаҳри мактабларида ҳам жорий этилиб, бунинг учун давлат бюджетидан етарли маблағ ажратилди.

Маълумки, мактаб битирувчиларини касбга ўргатиш масаласи ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида устувор ечимлардан бири саналади. Мақсад — ёшларни ҳам билимли, ҳам касбли қилиш ва натижада уларни иш билан таъминлаш. Бу йўналишда ҳам аниқ тизимли механизм ишлаб чиқилди, яъни жорий йилдан бошлаб янги дастур амалга оширилиб, унга кўра, ҳар бир вилоятда 1 тадан техникумда Европа касбий таълим стандартлари жорий этилиши режалаштирилмоқда.

Узлуксиз таълимнинг бир қисми бўлган олий таълим муассасаларида ўқибётган ёшларни қўллаб-қувватлаш юзасидан жорий йилда имтиёзли таълим кредитларига ресурслар 2 баробар кўпайтирилиб, 1,7 триллион сўм, илмфан ва инновацияларга эса 1,8 триллион сўм ажратилмоқда.

Давлат дастурига “Ижтимоий давлат” тамойили асосидаги ёндашув

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини 2023 йилда амалга оши-

ришга оид давлат дастури лойиҳасини таҳлил қиладиган бўлсак, 309 бандни ўзида бирлаштирган дастур етти йўналишдан иборат ва у қуйидагича таъминланган: 1-йўналиш. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш — 22 банд.

2-йўналиш. Мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш — 18 банд. 3-йўналиш. Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш — 113 банд. 4-йўналиш. Адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш — 82 банд. 5-йўналиш. Маънавий тараққиётни таъминлаш ва соҳани янги босқичга олиб чиқиш — 21 банд. 6-йўналиш. Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш — 30 банд. 7-йўналиш. Мамлакатимиз хавфсизлиги ва мудофаа салоҳиятини кучайтириш, очик, прагматик ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш — 23 банд. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодий йўналишдан кейинги энг йирик ижтимоий йўналиш бўлиб, давлат дастурининг 154-235 бандларини ўзида қамраб олган. Мазкур бандларда Тараққиёт стратегиясининг 33 мақсадини ҳаётга изчил татбиқ этиш ва амалга ошириш назарда тутилган.

Хусусан, унда жорий йилда ишсиз ва иш қидираётган шахсларнинг 160 минг нафарини талабгор касбларга ўқитиш ҳамда 14 минг нафарининг касбий малака даражасини тасдиқлаш ва уларга малака паспортларини тақдим этиш, оғир ижтимоий аҳолига тушиб қолган 75 минг ишсиз хотин-қизни давлат ҳисобидан меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касб-хунарга ўқитиш режалаштирилган. Бу эса ишсизларни мақсадли ўқитиш ва улар бандлигини таъминлашда муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, 6 ёшли болаларни сифатли мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасини 92 фоизга етказиш белгиланган бўлиб, бунда 269 та қисқа муддатли, 94 та тулқик кунлик, 1384 та мажбурий бепул тайёрлов гуруҳлари ҳамда мактабгача таълимнинг муқобил шакллари жорий этиш ва бу учун давлат бюджетидан 60 миллиард сўм ажратиш назарда тутилмоқда.

Таъкидлаш керакики, малакали тиббий ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Узоқ йиллар давомида қутулган давлат тиббий суғуртаси механизми Тошкент шаҳридаги тиббий муассасаларига жорий этилиб, унинг таҳлили натижасида қолган ҳудудларда босқичма-босқич амалга киритиш режалаштирилган.

Кардиология илмий-амалий тиббий маркази, Урология илмий-амалий тиббий маркази, Республика шोшилик тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг филиалларини янги ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш масалалари киритилган бўлиб, Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси кредит маблағлари ҳисобидан жами 31,5 миллион доллар ажратиш кўзда тутилмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар “Инсон қадрини юксалтириш асосида аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча шарт-шароит ҳамда қўлайликларни яратишга қаратилган. Бу йилги давлат дастурида назарда тутилган ҳар бир банд ва уни мақсадли амалга ошириш механизми ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Бу хайрли ишлар “Авал — инсон, кейин — жамият ва давлат”, деган эзгу ғояни рўёбга чиқариш, халқимизни рози қилиш, эркин ва фаровон жамият барпо этишда муҳим омили бўлади.

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

# АСЛ, ШАФФФФФ, “ҚОРА БОЗОР”ГА ҚАРШИ ТИЗИМ

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**  
иқтисодий шарҳловчи

“ Расмий маълумотларга кўра, 2021 йили 7 минг 490 турдаги 1 миллион 578 минг 500 ўрам дори воситаси экспертизадан ўтказилганда, шундан 2 минг 874 турдаги дори воситалари ва тиббийёт буюмларининг 779 минг 800 ўрами мувофиқлик сертификати эга эмаслиги, 1 минг 618 турдаги дори воситаларининг 72 минг 774 ўрами эса амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермаслиги аниқланган.

Бошланғичи 1-бетда

## ЖАҲОН ТАЖРИБАСИГА БИР НАЗАР

Инсон сийҳат-саломатлигини таъминлаш, қалбаки ва ярқисдор дори воситаларига қарши курашишда рақамли маркировканинг аҳамияти бениҳоя катта. — Негаки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё фармацевтика бозорининг 10 фоизи контрафакт ва қалбаки дори воситалари ҳиссасига тўғри келади, — дейди соҳа эксперти Элвира Свечникова. — Осиё, Африка мамлакатлари, Жанубий Америкада бу миқдор 30, 40 ва ҳатто 50 фоизгача етиши мумкин. Дори-дармон ўзига хос маҳсулот, унга алоҳида талаблар бор. Тажрибали мутахассис ёки фармацевтика саноати ходими ҳар доим ҳам сохта дори аслидан ажратиши мушкул. Уларнинг аслигини таъминлаш ва муҳофаза қилишда дунёда энг самарали усул — рақамли маркировка тизими ҳисобланади.

— Ушбу тизим, энг аввало, харидорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун мўлжалланган, — дейди “CRPT Turon” МЧЖ мутахассиси Самира Муҳамедова. — Унинг ёрдамида

истеъмолчилар маҳсулот ҳақида барча маълумотларга эга бўлади. Бу эса, ўз навбатида, хатарли ёки сифатсиз товарни сотиб олиш хавфини камайтиради. Мобиль иловадан фойдаланган ҳолда, истеъмолчилар маҳсулотларнинг аслигини текшириш ва товар ҳақида тўлиқ маълумот олиши имкониятига эга бўлади. Агар сохта маҳсулот аниқланса, қоидабузарлик ҳақида тегишли идорага хабар бериши мумкин.

Ишлаб чиқарувчилар учун маҳсулотларнинг ҳаракатлиниш жараёнини кузатиш ва логистикани тежаш, мавсумийлик, интенсивлик ва сотиш географияси бўйича долзарб статистик маълумотларга асосланиб, таъминот ва оғир заҳираларини мақбуллаштиришга ёрдам беради. Натижада харажатлар камаюди ва меҳнат унумдорлиги ошади.

Давлат даражасида товарларнинг рақамли маркировкаси “қора бозор”да товар айланмасини қисқартиради, солиқ ва боғжона тўловларини оширади, назорат қилишни ташкил этиш учун сарфланадиган харажатларни камайтиради.

Демак, маркировкадан истеъмолчи ҳам, ишлаб чиқарувчи ҳам, давлат ҳам бирдек манфаатдор. Шундай экан, дунёнинг қайси мамлакатларида дори воситаларини рақамли тизимга ўтказиш борасидаги ишлар ибратга молик экани барчамизга қизиқ, албатта.

Экспертлар ривожланган, тартиб-тамоилларга тўла риоя қиладиган давлатларни бунга мисол қилиб кўрсатади. Масалан, Жанубий Кореяда бу лойиҳа 2010 йилда бошланган. Орадан уч йил ўтиб жорий қилишга киришилган, 2017 йилга келиб эса бу жараён дори воситаларининг турли гуруҳларида босқич-босқич татбиқ этилди. Тизим нархга доир маълумотларни ҳам қамраб олган.

Европа мамлакатлари орасида маркировка дастлаб Туркияда 2010-2020 йилларда амалга оширилди ва ушбу тажриба Европа Иттифоқи давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилди. Илк босқичи рецепт билан бериладиган дори воситаларини рақамли тизимга ўтказишдан бошланган бу жараён Европада ўн йил давом этди. Лекин шунча мuddат сарф этилганига қарамай, маркировка тизимига тўла тайёр бўлмагани учун Италия ва Нидерландияга бир қатор енгилликлар берилган.

Бундай ва бошқачароқ тарзда дори воситаларини маркировка қилиш талаби АҚШ, Ҳиндистон, Хитой, Россия, Аргентина, Чили, Миср, Баҳрайн, Жанубий Африка Республикаси каби мамлакатларда ҳам мажбурий ҳисобланади.

Қайд этиш жоиз, бу тизимнинг жорий этилиши ижобий самарасини бермоқда. Масалан, Туркия фармацевтика бозорига ноқонуний дори воситаларининг айлиниш даражаси 10 фоиздан нолга тушди. Контрафакт ва контрабанда маҳсулотларининг сотилиши, ўғирлик ва ноқонуний савдонинг олди олиниши туфайли давлат бюджети тушуми йилига 1 миллиард долларга кўпайди. Францияда эса ушбу жараён жорий этилгандан бир йил ўтиб, давлат бюджети даромадлари 1,7 миллиард долларга ошган.



рақамли маркировка тизимини жорий этиш тўғрисидаги қарори билан “Asl belgisi” маҳсулотларни маркировкалаш ва кузатиб бориш миллий ахборот тизими ташкил этилди. Хукуматнинг ўтган йил 2 апрелда эълон қилинган “Дори воситалари ва тиббий буюмларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисидаги қарорига кўра, мамлакатимизда ҳам мазкур усул босқичма-босқич жорий этилмоқда.

— Энг аввало, бу жараёнга пухта ҳозирлик кўрилди, — дейди “CRPT Turon” МЧЖнинг дори воситалари маҳсулотлар гуруҳи менежери Дийр Расулев. — Шу мақсадда, 2021-2022 йилларда маркировкалаш оператори ҳисобланган жамиятимиз томонидан 20 дан ортқ маҳаллий фармацевтика корхоналари ва 50 дан зиёд импортёрлар иштирокида тажриба лойиҳаси ишлари амалга оширилди. Уларнинг



“ Дорихоналар аллақачон “Дата Матрикс” кодли дори-дармонларни қабул қила бошлади, уларнинг ҳақиқийлигини ҳар бир фойдаланувчи “Asl belgisi” мобиль иловаси орқали текшириши мумкин.

## ТИЗИМЛИ ТАДБИРЛАР ВА ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

Мамлакатимизда маркировкалаш тизимини жорий этишда Президентимиз раислигида 2019 йил 15 ноябрь кунли фармацевтика тармоғини ривожлантириш, аҳолини дори воситалари билан таъминлаш борасидаги ишлар таҳлили ва гадаги устувор вазифалар муҳофазасига бағишлаб ўтказилган йилги алоҳида ўрин тутди. Унда дори воситалари ҳаракатининг тўлиқ жараёнини кузатиш — маркировка тизимини жорий этилганини оқибатида уларнинг сифати ва нархини назорат қилиш қийин кечаётгани таъкидланиб, ўтган икки йилда юртимизга сифат стандартига жавоб бермайдиган 123 миллиард сўмлик дори-дармонларни олиб кириш ҳолатлари аниқлангани мисол сифатида келтирилган эди.

Уша йилги ишда бундай шароитда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишнинг энг ишончли ва самарали йўли — диёримизда етиштирилган табиий, доривор ўсимликлар асосида юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, дориларни махсус маркировкалаш ва ҳаракатини назорат қилиш бўйича дастурий таъминот яратиб, 2021 йилдан амалиётга жорий этиш вазифаси қўйилган.

Контрафакт дори воситалари айланмада чек қўйиш ва улarga бўлган реал талабни онлайн кузатиб бориш имконини берувчи бу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги “Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий

вакиллари тизимини жорий этиш моҳияти, маркировкалаш учун керакли жиҳозларни танлаш ва кодларни қўллаш бўйича ўқитилди, амалий семинарлар ўтказилди.

Қарорга кўра, дори воситалари учун рақамли маркировка кодлари тажриба лойиҳаси давомида белгиланган тарзда этилади. Шу асосда тажриба лойиҳаси иштирокчиларига 12 миллиондан ортқ бепул кодлар берилди.

Дастлабки босқични татбиқ этишга 2022 йилнинг 1 сентябидан киришиб, ташқи қадоқдаги дори воситалари (орфанлар, яъни кам учрайдиган касалликларни даволашда қўлланиладиган дори-дармонлардан ташқари) гуруҳи мажбурий рақамли идентификациядан ўтказилди. 1 ноябрдан эса рақамлаштиришнинг иккинчи босқичига ўтилиб, бирламчи (ички) қадоқларда ишлаб чиқарилган дори воситалари (агар иккитламчи (ташқи) ўрам мавжуд бўлмаса), доривор ағро маҳсулотлари (орфан дори воситалари бундан мустасно) маркировкаланган ҳолда савдога чиқарилиши бошланди.

— Қарор асосида фармацевтика маҳсулотларининг 90 фоиздан ортқи рақамлаштирилмоқда, — дейди Дийр Расулев. — Ўтган давр мобайнида “Asl belgisi” тизимида 500 дан ортқ товар айланмаси иштирокчиси — ишлаб чиқарувчилар, чет эллик рўйхатга олиш гувоҳномалари эгалари, хорижий фармацевтика компанияларининг аккредитациядан ўтган ваколатхоналари, улгуржи савдо вакиллари

рўйхатдан ўтказилди. Ушбу гуруҳнинг 7500 дан ортқ маҳсулотлари карталари Миллий каталогга киритилган. Бу даврда жами 91 миллиондан ортқ код қўлланилди. Дорихоналар аллақачон “Дата Матрикс” кодли дори-дармонларни қабул қила бошлади, уларнинг ҳақиқийлигини ҳар бир фойдаланувчи “Asl belgisi” мобиль иловаси орқали текшириши мумкин.

Кейинги босқичларда — 2023 йил 1 мартдан Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган орфан дори воситалари ҳамда кам учрайдиган (орфан) касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш учун мўлжалланган тиббий буюмлар рўйхатига кирган дори воситалари, 2025 йил 1 февралдан белгиланган тартибда тасдиқланган рўйхатга киритилган тиббий буюмлар маркировка қилинади. Бунда тиббий буюмлар рўйхати Солиқ қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мазкур маҳсулотларни рақамли маркировкалаш юзасидан ўтказилган тажриба лойиҳаси натижаларига асосан тасдиқланиши назарда тутилган.

## “ДОК-1 МАКС” МАРКИРОВКАЛАШДАН ЎТГАНМИ?

Расмий маълумотларга кўра, 2021 йили 7 минг 490 турдаги 1 миллион 578 минг 500 ўрам дори воситаси экспертизадан ўтказилганда, шундан 2 минг 874 турдаги дори воситалари ва тиббийёт буюмларининг 779 минг 800 ўрами мувофиқлик сертификати эга эмаслиги, 1 минг 618 турдаги дори воситаларининг 72 минг 774 ўрами эса амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига жавоб бермаслиги аниқланган.

Мутахассисларнинг фикрича, рақамли маркировкалаш тизими бундай камчиликларнинг олдини олишда мустақкам “қалқон” вазифасини ўтайди. Бу тизимнинг жорий этилиши барча жараёнларнинг шаффофлигини таъминлаш, демак, бозорни қалбақлаштирилган, контрафакт ва контрабанда маҳсулотларидан тозалашга ҳам ёрдам беради.

Лекин ўтган йил декабрь ойи охирида “Док-1 Макс” препаратини қабул қилиш оқибатида болалар ҳаётдан кўз юмгани билан боғлиқ вазият барчамизни чуқур қайғуга солди. Бу фоҳиша мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳасида муаммоларимизни яққол кўрсатиб берди.

Мутахассисларнинг билдиришича, “Док-1 Макс” сиропининг дорихоналарда сотишда бўлган партияси 2021 йилда импорт қилинган. Юқорида қайд этганимиздек, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 апрелдаги “Дори воситалари ва тиббий буюмларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига кўра, бу жараёнинг биринчи босқичи ўтган йил 1 сентябрда бошланган. Бу “Док-1 Макс” сиропи мажбурий маркировка бошлангандан бир йил олдин келтирилганидан далолат беради.



Шу ўринда импорт қилинган дори воситаларига қандай таомиллар асосида мамлакатимизда қўлланилиши учун рухсат бериб келинган, деган савол туғилади.

Мутахассисларнинг изоҳ беришича, ҳар қандай дори воситаси Ўзбекистон бозорига кириб келишидан олдин давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Бунинг учун ушбу дори воситаси намуналари лаборатория синовлари, зарур ҳолларда эса клиник синовлардан ва 5 модулдан иборат рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари тегишли ва ҳолис экспертлар томонидан экспертиза қилинади. Зарур ҳолларда ишлаб чиқариш шароитлари ҳам инспекторлар томонидан ўрганилади ва экспертизанинг ижобий натижаларига биноан, давлат рўйхатига киритилади ҳамда мuddати 5 йил бўлган рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси берилади.

Шундан сўнг ҳам дори воситасининг ҳар бир серияси бозорга киришидан олдин лаборатория синовларидан ўтказилади.

“Юқсалиш” умуммиллий ҳаракати ўз баёнотида билдирганидек, дори воситаларини назоратсиз қўллаш амалиётини тўлиқ қайта кўриб чиқиш, уларнинг рекламасига оид қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлиқни кучайтириш, дори воситаларини ишлаб чиқарувчилар, импорт қилувчилар ва сертификатлаш ташкилотлари масъулиятини кучайтириш, тиббий сўғурга тизимига ўтишни тезлаштириш билан бир қаторда, фармацевтика соҳасида очкилик ва шаффофлиқни таъминлаш зарур.

Ҳақиқатан, инсон ҳаёти ва соғлиғи бебаҳо. Шу боис, аҳоли қайси дори воситалари импорт қилинаётгани, ишлаб чиқарувчилар кимлиги, уларнинг хориждаги нуфузи, сертификатлаштириш жараёни қандай олиб борилаётганини билишга ҳақли. Бунинг учун сотиладиган барча турдаги дори-дармонларнинг мажбурий рақамли маркировкалаш жараёни жадаллаштирилиши муҳим аҳамият касб этади.

## БОШҚА СОҲАЛАРДА РАҚАМЛИ МАРКИРОВКАЛАШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

Мамлакатимизда маркировкалаш тизимини йўлга қўйишда, биринчи навбатда, ақидили товарлар ва ҳаётимиз учун муҳим бўлган маҳсулотлар ҳамда дори воситаларига эътибор қаратилмоқда.

— Юртимизда бу жараён 2021 йилнинг 1 январидан тамаки ва алкоголь маҳсулотларини мажбурий рақамли маркировкалаш билан бошланган эди, — дейди “CRPT Turon” МЧЖ менежери Фазлиддин Сайдуллоев. — Шу пайтгача мазкур гуруҳнинг 3 минг 541 маҳсулоти карталари Миллий каталогга киритилган. Ўтган йилда 474 миллион дондан ортқ тамаки маҳсулотлари “Дата Матрикс” кодлари билан маркировкаланди. Октябр ойидан муқобил тамаки маҳсулотларини рақамлаштиришга киришилиши билан барча турдаги тамаки маҳсулотлари маркировкалашдан ўтказилди. Бунинг натижасида 2022 йилда 19,2

миллиард сўмдан ортқ контрафакт тамаки маҳсулотларини ноқонуний сотишга уринишинг олди олинди.

2022 йилнинг 1 январидан алкоголь ва 1 апрелдан пиво маҳсулотларини маркировкалашга старт берилган эди. Бу мамлакатимизда ушбу бозорнинг 100 фоиз рақамлаштиришига замин яратди. Ушбу тармоқда ҳозирги кунда 70 та маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона фаолият юритмоқда. Йил давомида 456 миллиондан ортқ рақамли кодлар ушбу гуруҳларда қўлланилди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 апрелдаги “Маийш техника маҳсулотларини мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига биноан, уни бошлаш мuddатлари ва маҳсулотлар турлари гуруҳлар бўйича белгиланди, — дейди “CRPT Turon” МЧЖнинг операцион

жараёнлар бўйича директори Олег Кузмин. — Жумладан, биринчи гуруҳ 2022 йил 15 апрелдан бошлаб — чанглотгич, кир ювиш машинаси, совиткич ва музлаткич, телевизор ва монитор, иккинчи гуруҳ 2022 йил 1 августдан бошлаб — маийш газ плитаси, ошона дудбурони, духовка ва печка, микротўқилкич печ, дазмоп, сув иситкичлар маркировкалашга ўтказилди. Учинчи гуруҳга кирувчи сув иситиш қозонлари, кондиционер, ўрнатилган электр моторли маийш техника (сок қазкич, блендер, миксер, кофе янгиқ, гўшт майдалагич), барча турдаги лампалар — 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб рақамлаштирилган ҳолда ишлаб чиқариляпти.

Шундай қилиб, бугунги кунга келиб мазкур сегментнинг рақамлаштириш тизимида 235 дан ортқ маҳсулот айланмаси иштирокчилари рўйхатга олинди. Миллий каталогда қарийб 7,5 минг маҳсулот карточкалари модерациядан ўтказилди. Ўтган давр мобайнида маркировкалашни лозим бўлган маҳсулотларга 7 миллиондан ортқ код қўлланилди.

Хукуматнинг 2022 йил 1 ноябрдаги “Сув ва салқин ичимликларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, биринчи гуруҳ — ачитилмаган ва таркибига спирт қўшилмаган, шаккар ёки бошқа ширинлик қўшилган ва қўшилмаган мева шарбатлари (узун шираси мустасно), сабзавот шарбатлари, шунингдек, газланган ҳамда газланмаган сув ва ичимликлар — 2023 йил 1 июлдан бошлаб, иккинчи гуруҳга мансуб металл, шу жумладан, алюмин идишдаги сув ва салқин ичимликлар эса 2024 йил 1 августдан бошлаб рақамли ёрлик билан чиқарилади ҳамда импорт қилинади.





МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

ЖАДИДЧИЛИК МАНИФЕСТИНИ  
ЯРАТГАН АЛЛОМА

АБДУРАУФ ФИТРАТ ИЖТИМОЙИЙ-СИЁСИЙ  
ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ ҚИРРАЛАРИ



Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқид...



Зайнобиддин АБДУРАШИДОВ, филология фанлари доктори, профессор

Ўтган аср аввалида юртимизда вужудга келган ана шу жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндаларидан бири...

Айтиш жоизки, Туркистондаги жадидчилик ўзига хос миллий хусусиятларга эга бўлиб...

Шарқ мусулмон дунёсида кенг тарқалган ислохотчилик ҳаракати ХХ аср бошларида Туркистонда ҳам ёйила бошлади...

Фитрат фаолиятининг асос нуқтасини — негизда ижтимоий озодлиқ гоёси бўлган эркинлик ва демократик давлатнинг янги концепцияси ташкил қилади...

Абдурауф Фитрат, шубҳасиз, ХХ аср биринчи чораги Марказий Осиё эълопларининг энг кўзга кўринган ва таъсир доираси кучли бўлган вакилларида бири эди...

Фитрат аънанавий бошланғич эски мактабни тугатгандан сўнг ўқинишни аввал Мир Араб, сўнг Бухородаги яна бир бошқа мадрасада давом эттирган...

тахмин қилиш мумкин. Фитрат ҳақдан қайтаётиб ёнидаги бор маблагини Ҳиндистонда ўғирлаб кўйгандан кейин Бухорога қайтиш учун пул топиш мақсадида у ерда бир муддат қолиб...

“Ушбу йил (1910) фикри очиларнинг бири Абдурауф Фитрат эди. Бу зот Бухоро талабаларининга энг мустаидди, энг фозили саналар эди...

Айниининг “Бухоро инқилоби тарихига материаллар” китобидан келтирилган юқоридagi кўчирмадан Фитрат Истанбул сафарига қадар Шарқ мусулмон давлатларида анча ёйилган...

Турк конституцион инқилобидан икки йил олдин, яъни 1906 йилги Эрон Машрутият инқилоби ва унинг асослари Бухоро эълопларининг фикрий ўсишига катта таъсир кўрсатди...

Фитрат ҳолат ва вақтнинг қулайлигидан унумли фойдаланиб, Бухорода қоралаганларини қайта ишлаган қўринди. Зеро, у Истанбулга сафар олдидан...

Фитрат Бухорода ёзилмақ асарларининг сюжети ва йўналишини аниқ билган ҳамда қораламалари бўлгани эҳтиомолдан холи эмас...

Фитрат Бухорода қайд этилишича, 1913-1914 ўқув йили учун 48 нафар талаба, жумладан, 10 нафар хорижий давлат фуқароси бўлган мусулмонларни қабул қилиш ҳақида эълон берилган...

Манбаларда қайд этилишича, 1913-1914 ўқув йили учун 48 нафар талаба, жумладан, 10 нафар хорижий давлат фуқароси бўлган мусулмонларни қабул қилиш ҳақида эълон берилган...

У мадрасадаги ўқинишни тамомлай олмасда, Бухоро талабаларининг энг фозили сифатида эгалланган билими, мадрасага кириш учун тайёргарлик ва таҳсил давомида олган малака унга улкан интеллектуал бойлик захирасини берди...

Туркиядан қайтган Фитрат мактаб ишлари билан шуғулланар экан, 1915-1916 йиллар давомида қатор асарлар ҳам нашр қилди. Булар “Ойла”, “Раҳбари нажот”, “Қисқача ислом тарихи” ва бошқалар...

1920-1923 йиллар давомида янги тузилган Бухоро ҳукумати тарихида юқори лавозимларда ишлаган Фитрат турли сиёсий айбоплар билан ишдан бўшатилди ва Москвадаги “Жонли шарқ тиллари” институтига юборилди...

Шу даврдан бошлаб, Фитрат умрининг охирига қадар фақат илмий изланишлар билан машғул бўлди...

Фитратнинг адабий асарлари, хусусан, драматург сифатидаги фаолияти замондошлари томонидан яқдиллик билан эътироф этилди...



Нечук топдин дунёни? Бизнинг Ерда бўлуб тургон тубанликлар, хўрликлар Сўйла, юлдўз, сенинг дахи кучоғинида бўлурми? Борми сенда бизим каби инсонлар...

1917 йилдан бошлаб Фитрат маориф ишларидан бироз чекиниб, сиёсий фаолият билан шуғуллана бошлади. Бухоро жадидларининг ташаббуси билан тузилган “Еш бухорликлар” партияси саркобитининг вазифасини бажарди...

Фитрат бу даврда Россиядаги Муваққат ҳукумат билан ўзаро тенглик асосида алоқаларини йўлга қўйиш борасида жуда кўплаб мақолапарни йўлга қўйиш борасида жуда кўплаб мақолапарни йўлга қўйиш борасида жуда кўплаб мақолапарни...

1918 йили Тошкентга келган Фитрат ўз атрофига ёшларни йиғиб, “Чигатой гурунги”ни ташкил қилди. Бу жамият 3 йил фаолият олиб борган бўлишига қарамай, нафақат ўзбек тили ва адабиёти, балки, умуман, янги ўзбек маданиятининг шаклланиши ва тарқиқёт тарихини буткул янги, замонавий илм асосида ўрганиши бошлаб берди...

Маҳаллий эълоплар тарафидан тузилган биринчи илмий-тадиқот жамияти сифатида тарихга кирди. Айни шу жамият ҳозирги Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Фанлар академияси ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг ҳам тамал тошини қўйди...

1920-1923 йиллар давомида янги тузилган Бухоро ҳукумати тарихида юқори лавозимларда ишлаган Фитрат турли сиёсий айбоплар билан ишдан бўшатилди ва Москвадаги “Жонли шарқ тиллари” институтига юборилди...

Шу даврдан бошлаб, Фитрат умрининг охирига қадар фақат илмий изланишлар билан машғул бўлди...

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳқа́маси

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзловлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифта қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул. Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbоро́т ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан руйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-246. 14119 нусxada босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоסי келишилган нарҳда.

“ШАРҚ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



Мақолада Фитратнинг адабий асарлари, хусусан, драматург сифатидаги фаолияти замондошлари томонидан яқдиллик билан эътироф этилди...

Фитрат бундан бир оз аввалроқ ёзилган “Шарқ сиёсати” номли мақоласида Фарога бўлган муносабатини, унинг ҳақиқий сиёсати нимада эканини очиб ташлаган эди...

Мантиқан олиб қараганда, “Ҳинд ихтилопчилари”ни “Чин севиш”нинг давоми дейиш мумкин. Лекин улар айри икки асар. “Ҳинд ихтилопчилари”да Фитратнинг Ватанга муҳаббати, унинг эрки учун ҳамма нарсага тайёр бўлган “Ортимизни қутқаришимиз. Яшасин истиқлол!” деб мустабид тузма...

Фитрат ўз драмаларида, шеърларида Шарқ, хусусан, Ҳиндистон халқининг мустамаккачи инглизларга қарши кураши орқали ойна Ватан — Туркистоннинг туганмас дардларини офода қилди.

У тарихий драма жанрига асос қолди. “Абулфайзхон”, “Або Муслим” каби драмаларида тарихга юзланар экан, ўтмишдаги воқеликнинг мазмун-моҳиятини тарихий шахслар образи орқали қайта жонлантиришга ҳамда керакли хулосалар чиқаришга муваффақ бўлган ижодкордир.

Алломанинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тарихнинг энг қалтис давларида Миллат ва Ватанга хизмат қилишнинг ёрқин намунаси. Йирек жадидшунос олим Беғали Қосимовнинг сузлари билан айтганда, ҳар қандай ҳолда ҳам халқ билан бирга бўлиш, унинг манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш, ҳар нарсадан муқаддас бишлиқ Фитрат шахсиятининг энг муҳим хусусиятидир эди.

Туркистон жадидчилигининг ёрқин сиймоларидан бўлган Абдурауф Фитратнинг фаолияти, айниқса, бадий асарлари Бухоро ва Туркистон жадидчилиги тарихида сезиларли роль ўйнади. У мусулмонларнинг жаҳолат ва қолоқликдан қутулиш йўлини замонавий илм-фанда кўради...

Қисқа муддатда бутун Туркистонда жадидчиликнинг асосий гоёвий етакчиларидан бирига, “Мунозара” асари эса Бухоро ва Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг манифестига айланди.

Ҳозирги жадидшунослик ва жадид тадиқотлари, жумладан, фитратшуносликдаги муаммолар ва уларнинг тахлили Марказий Осиё жадидчилиги, хусусан, унинг асосий гоёвий етакчиларидан бири бўлган Фитрат ҳаёти, ижоди ва фаолияти билан боғлиқ ечимини топмаган талайгина масалалар борасида тегишли аниқ жавоблар айтишга имкон яратади.

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов Мусаххў; Насиба Абдуллаева Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқини — 23:00 Топширилди — 00:10